



Қумовул Ўрта Чирчиқ районидagi энг йирик тайёрлов пунктларидан ҳисобланади. Коллективнинг фидокорона ишлаши сабабли ўтган йилдагига нисбатан анча кўп пахта қабул қилиб олинди. Суратда: Қумовул тайёрлов пунктнинг кўриниши. А. Абалиев фотоси.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 226 (4432).

17
НОВАБРЬ

ЧОРШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, сув камчилиги ва ноқулай об-ҳаво шароити натижасида келиб чиққан қийинчиликларини, енгил, пахтадан мўл ҳосил етиштириш, йиғим-теримни ушқоқлик билан ўтказиб, қисқа муддатда — 23 октябрда пахта тайёрлаш планини бажардилар.

Ўзбекистон деҳқонлари янги беш йилликнинг биринчи йили муваффақиятли якунлаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга бу йил илгари қабул қилинган мажбуриятга нисбатан 50 минг тонна кўп, яъни пландан ташқари қанда 500 минг тонна кўп пахта сотиш юзасидан партия ва ҳукуматга сўз берган эдилар.

Пахтакорлар ўз сўзларининг устидан шараф билан чиқдилар. Мамлакатга 4 миллион 450 минг тонна, яъни пландагидан 500 минг тонна кўп пахта етказиб берилди. Пахтанинг 80 процентдан кўпроги биринчи сортларга топирилди. Йиғимка-толди пахта навлари тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Давлатга 193 минг тоннадан кўпроқ, яъни планга нисбатан 132 процент жуда қимматли хом ашё сотилди.

Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг барча областлари хўжаликлари пахтачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар ҳамда пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Сирдарё областнинг қолхозлари ва совхозлари давлатга 469 минг тонна пахта, соғиб, планни 132 процент, Хоразм областнинг қолхозлари ва совхозлари 406 минг тонна пахта соғиб, планни 118 процент, Тошкент областнинг қолхозлари ва совхозлари 388 минг тонна пахта соғиб, планни 118 процент, Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари 307 минг тонна пахта соғиб, планни 115 процент, Самарқанд областнинг қолхозлари ва совхозлари 451 минг тонна пахта соғиб, планни 114 процент, Наманган област хўжаликлари 391 минг тонна пахта соғиб, планни 113 процент, Андижон областнинг қолхозлари ва совхозлари 525 минг тонна пахта соғиб, планни 112 процент, Қашқадарь областнинг хўжаликлари 249 минг тонна пахта соғиб, планни 106 процент, Бухоро областнинг қолхозлари ва совхозлари 411 минг тонна пахта соғиб, планни 105 процент, Фарғона областнинг хўжаликлари 495 минг тонна пахта соғиб, планни 105 процент, Сурхондарё областнинг қолхозлари ва совхозлари 359 минг тонна пахта соғиб, планни 104 процент бажардилар.

Мирзачўлининг кўрқ совхозлари пахта тайёрлаш планини муваффақиятли уздади, давлатга биринчи марта 230 минг тонна пахта соғиб, планни 134 процент бажардилар. Сирдарё областнинг Жинзах, Пахтакор, Илчар районлари, Хоразм областнинг Янгиқирғи, Бағот, Тошкент областнинг Оққўрғон, Бўка, Қорақалпоғистон АССРнинг Тўртқўл, Бериш, Амурдەر, Самарқанд областнинг Жомбой, Нарпай, Наманган областнинг Пои ва Учқўрғон, Андижон областнинг Бўз, Қўрғонтепа, Бухоро областнинг Ромитан, Қорақўз, Қашқадарь областнинг Қосон, Қарши, Фарғона областнинг Қиров, Қўва, Сурхондарё областнинг Жарқўрғон, Термиз районлари пахтакорлари юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Бу ажойиб ғалабага КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида қўрсатилган ғоят катта ердани ва диний ғамхўрлиги натижасида, республика қолхозчилари, совхозларининг ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, барча меҳнаткашларининг қаҳрамонона меҳнати, Ўзбекистон партия, совет, кавсаба союз ва комсомол ташкилотларининг моҳирона олиб бorgan ташкилотчилик ва сиёсий ишлари тўғрисида эришилди. Вилта қарин қурашда катта иш олиб берилди. Деҳқончилик маданиятини ошириш, алмашлаб экинши зориий этиш ҳамда республика селекционерлари аратган вилта ғамхўрлиги чигит навларини экин бўйича қишлоқ тадбирлар амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси мўл эртанги ҳосил етиштириш ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 26,7 центнердан ҳосил кўтариш имконини берди.

Хоразм областнинг пахтакорлари гектаридан 39 центнердан, Сурхондарё област пахтакорлари йиғимка-толди пахта навлари ҳам қўшиб ҳисоблаганда гектаридан 29 центнердан зиёд ҳосил кўтардилар. Наманган, Андижон, Тошкент областларининг хўжаликлари ҳар гектар ердан 27—29 центнердан ҳосил кўтардилар.

Пахта тайёрлашда юксак суръатларга эришишда пахта териш техникаси муҳим роль ўйнади. Бу йил ҳосил йиғим-теримида 30 минг пахта териш машинаси қатнашиб, улар билан 1 миллион 800 минг тонна пахта, ёни тайёрланган жами ҳосилнинг 41 проценти йиғиштириб олинди. Машиналар билан биринчи марта амал шундай ҳисобда пахта йиғиштириб олинди. Машина териш плани 107 процент бажарилди.

Сирдарё областнинг меҳнаткорлари машиналарда 321 минг тоннадан кўпроқ ёни жами ҳосилнинг 70 проценти, Тошкент областнинг меҳнаткорлари янги ҳосилнинг 60 проценти, Наманган области, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм

ва Андижон областларининг меҳнаткорлари жами ҳосилнинг 37—40 проценти машиналарда териб олинди.

Мирзачўлининг кўрқ совхозлари машиналар билан жами ҳосилнинг салкам 90 проценти йиғиб-териб олиб, рекорд кўрсаткичларга эришдилар. Республиканинг қўшма районлари, қолхозлари ва совхозлари жами ҳосилнинг 85—90 проценти машиналарда йиғиштириб олдilar.

Мавсумда 300—500 тонна, ҳатто айримлари 600—800 тоннадан пахтани машинада териб олишга муваффақ бўлган юзлаб меҳнат-ҳайдовчилар пахта териш техникасидан юксак унум билан фойдаланиш намуналарини кўрсатдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутаты Шоймардон Қўдратов мавсумда 810 тонна пахта териб бериб, машинада пахта теришда жаҳон рекордига эришди. Сирдарё областдан Тўлан Дадажонов, Аҳмад Башиев, Фармонкул Раҳмоновлар, Сурхондарё областдан Абдухаким Қўрбонов, Светлана Продан, Андижон областдан Абдухакимов, Обид Акбаров, Наманган областдан Муродилла Юсупов, Холдор Хўжаев, Тошкент областдан Турсунов Охуюнов, Жўра Фахруров, Самарқанд областдан Бобшер Шавкиев, Ақром Мамонов, Бухоро областдан Мукаррама Фўзайлова, Қанон Мухамедов, Фарғона областдан Имомжон Игитов, Қамроли Абдураҳмонов, Қорақалпоғистон АССРдан Пардагул Розимова, Сувонберди Жумановлар, Бахтиёр Тажанов, Хоразм областдан Волта Жумановлар, Халима Хошимова, Ўғилжон Нуруллаева, Қашқадарь областдан Хонкелди Ҳолиқов, Раҳимиддин Токиев сингари илгор меҳнаткорлар зиммаларига олган мажбуриятларини анча ошириб бажардилар.

Пахта териш техникасининг кенг қўлланилиши бу йил ҳосил йиғим-теримини шаҳар меҳнаткашларини, студентлар ва ўқувчиларини асосан оммавий жалб қилмасдан туриб ўтказиш имконини берди.

Республика қолхозлари ва совхозларининг машиналар, эҳтиёт қисмлар, ўғитлар, дефолантлар, гербицидлар ва бошқа химикатлар билан ўз вақтида таъминлаган машиналарда йиғиштириб олиш учун дефолантга ўтказган граждaн аниқлаш хондмлари катта ҳисса қўшдилар.

Бу ғалабани қўлга киритишда катта ҳажмдаги авиация ишларини бажарган ва аниққа-ҳосилни машиналарда йиғиштириб олиш учун дефолантга ўтказган граждaн аниқлаш хондмлари катта ҳисса қўшдилар.

Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларининг коллективлари пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлашни яхши ташкил эдилар.

Тошкент ва бошқа шаҳарлар ҳамда посёлкаларнинг меҳнаткашлари мўл ҳосил етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда деҳқонларга катта ердан кўрсатдилар.

Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари олтинга социалистик мажбуриятларини бажаришдаги ҳақида рапорт бера эканлар, меҳнат ғалабасига эришилган шу қувончли кунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини муттасил юксалтириш тўғрисида кун сайини ғамхўрлик қилаётган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чин қалбдан миннатдорчилик билдирилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишнинг янада яхшилаш ҳақидаги қарор қишлоқ меҳнаткашлариди янги меҳнат ғайратини, Ватан олдидаги ўзининг энг биринчи интернационал ва ватанпарварлик бурчини шараф билан бажаришга бўлган иштирокини, мамлакатга муҳим кадр кўпроқ пахта етказиб бериш ишларини жўш урдириб юборди.

Давлатга пахта сотиш давом этмоқда. Республиканинг қолхозчилари, совхозларининг ишчилари етиштирилган бутун ҳосилни йиғиб-териб олиш учун жонбозлик билан иш олиб бормоқдалар, айна пайтда улар ерига шўҳор қилиш, яратилган шўҳорчиларини тозалаш, шўҳор ерларини ювиш ва келгуси йилда мўл ҳосил олинишини таъминлайдиган бошқа кузги-қийин ишларни авж олдириб юбордилар.

Бу йил қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам аниқгина ютуқларга эришилди. Пилла, жүн, қорақўл тери, туҳун, қаноп, шол, сабзавот, помидор, кўклар, маҳсулот ва узум тайёрлаш йиллик планлари анча ошириб бажарилди. Давлатга қўш ва сўт сотиш ишлари яхши кўлар кичида бажарилади. Барча турдаги чорва моллари туғиш ва паррандалар кўпайди, маҳсулдорлиги ошди.

Ватанга бўлган чекиз муҳаббат, КПСС XXIV съездининг тўққизинчи беш йилликда қўйган буюк мақсадлари ва улкан режалари деҳқонлар ва чорваларларини янги меҳнат зафарларга руҳлантирмоқда. Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари партиянинг ленинчи Марказий Комитетининг ишончли йўналишлари, социалистик мусобақани авж олдириб, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш планлари ва олдинги мажбуриятларини тўла ва ошириб бажаришга, хўжалик йилини муваффақиятлик якунлашга эришадилар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИНИНГ ПРОФЕССОРЛАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАРИ, СТУДЕНТЛАРИ, ИШЧИЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИГА

Қадрили Ўртоқлар!
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Тошкент Давлат медицина институтини профессорлари, ўқитувчилари, студентлари, барча ходимлари коллективининг институтнинг шонли эллик йиллик юбилейи ва ҳукуматнинг юксак мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги билан қизғин табриқлайдилар.

Тошкент Давлат медицина институтини ўзининг ташкил топилишидан буйи ўтган эллик йил мобайнида тараққиётнинг шонли йўлини босиб ўтди: собиқ Туркистон Давлат университетининг унча катта бўлмаган факультетидан мамлакатимиздаги энг йирик медицина ўқув юртигача ўсиб намоил топти. Институт Совет Ўрта Осиёсидаги биринчи олий медицина илмий маркази бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида медицина билимларини кенг оммалаштиришда, ўзла патологиясининг аниқлаш проблемаларини ишлаб чиқиш ва ўқитишда неча минглаб кишиларнинг етишини қўриган қўшма юқумли насалликларни тугатишда, одамларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги олийжаноб ишда ғоят муҳим роль ўйнади.

Медицина кадрлари тайёрлашда институтнинг қилган хизматлари ғоят катта ва бебаҳодир. Институт тарбиялаб етиштирган қарийб 20 минг врач, 140 фан доктори ва 800 дан ортқ фан кандидатлари илгор совет медицина фанини ривожлантириш манфаатларини қўллаб, халқ соғлигини сақлаш соҳасида жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда институтнинг 850 дан кўпроқ профессорлари ва ўқитувчилари 44 миллилата мансуб 7 мингдан кўпроқ йилгит ва қизларга олийжаноб врачлик касбини ўргатмоқдалар, уларни юксак коммунистик ғойивилик, ҳаёбахш совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида

тарбияламоқдалар, медицина фанининг қўшма жуда муҳим назарий ва амалий проблемаларини муваффақиятли ишлаб чиқмоқдалар, меҳнаткашларга кун сайин юқори малакали медицина ердани кўрсатишда актив иштирок қилмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Тошкент Давлат медицина институтини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаб унинг соғлиқни сақлаш ва медицина фанини ривожлантиришдаги хизматларига муносиб баҳо бердилар. Бу мукофот институт профессорлари, ўқитувчилари, студентлари, ишчи ва хизматчилари шонли коллективнинг фидокорона меҳнатига, унинг нафис-сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлигига, меҳнаткашлар ўртасида соғломлаштириш тадбирларининг кенг комплексини ўтказишдаги фаол иштирокига берилган юксак баҳодир. Бу юксак баҳо шу билан бирга коллектив зиммасига жуда катта мажбуриятлар ҳам юкляди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат медицина институтининг профессор-ўқитувчилар составига, студентларига, барча ходимларига уларнинг олийжаноб меҳнатига, ўқишда янги ва катта иқидий муваффақиятлар тилайдилар ҳамда институтнинг ажойиб коллективи Ватан медицина фанини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини бундан буйи ҳам қўлайтираверадилар. Олий малакали медицина кадрлари тайёрлаш ва уларнинг тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишларини кун сайин таъминлаштираверадилар, халқ соғлигини сақлашни тиймий равиан топтириш учун, КПСС XXIV съезди олин мактаб олдида қўйган ўлган ва масъулият ли вазифаларини хал қилиш учун хормағ толмай кураш олиб бораверадилар, деб қатъий ишонч билдирадilar.

ЎЗБЕКИСТОН
КОММУНИСТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН
ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН СС
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ.

ИНСТИТУТНИНГ ОЛТИН ТУЙИ

16 ноябрь куни Ўзбекистон пойтахтидаги Санъат саройига студентлар, муаллимлар, врачлар, олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари келишди. Улар Тошкент медицина институтининг ярим асрлик юбилейига бағишланган тантанали кечада Москва, Ленинград, Иттифокдoш республикалардан келган меҳмонлар билан бирга қатнашдилар.

Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов кириш нутқи ўқиб олди.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси гулдўрос қарсаклар остида яқдлик билан Фахрий Президиумга сўзланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси

Н. М. Матчонов Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент медицина институтини байроғига тантанали равишда тақдир қўйди. Институт кадрлар тайёрлашдаги, соғлиқни сақлашдаги ва медицина фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун шу орден билан тақдирланган эди. Н. М. Матчонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Тошкент медицина институтини коллективига йўллаган табриқномасини ўқиб эшиттирди.

Институт ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси Ф. О. Орипов институт босиб ўтган шонли йўл тўғрисида гапириб берди.

ПАХТА—ВАТАН БОЙЛИГИ

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА

ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

1971 ЙИЛ 16 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи сўз — районлар, иккинчи сўз — бир кунда тайёрланган, учинчи сўз — мавсум бошидан бера, тўртинчи сўз — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи сўз — мавсум бошидан бери.

Пискент	0,03	124,16	—	104,88
Оққўрғон	0,04	121,12	—	111,64
Бўка	0,12	120,93	—	108,36
Ўқорчи Чирчиқ	0,03	119,95	—	159,47
Ўқорчи Чирчиқ	0,04	116,31	0,01	102,05
Янгиқўл	0,10	114,60	0,14	86,92
Бекобой	0,03	108,36	—	87,40
Область бўйича:	0,06	117,46	0,02	104,93

Юбилар институтни Республика соғлиқни сақлаш министри, профессор К. С. Зориров, Тошкент тўқимачилик комбинатининг йиғирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жураева, Тошкент давлат университетининг ректори, профессор Т. А. Саримқов ва бошқалар қизғин табриқладилар. Улар КПСС XXIV съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг студентлар Бутуниттифок слётида сўзлаган нутқида берилган бутун таълим-тарбия ва илмий таъдидот ишлари ахшилашда ТошМин коллективига янгида-янги муваффақиятлар тиладилар.

Мажлис ахди балинд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига табриқнома йўлладилар. (ЎзТАГ).

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ
СТУДЕНТЛАРИНИНГ
БУТУНИТТИФОҚ СЛЁТИДА
СЎЗЛАГАН НУТҚИ
ЎЗБЕК ТИЛИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1971 йил 19 октябрда студентларнинг Бутуниттифок слётида сўзлаган нутқи ўзбек тилида алоҳида китобча қилиб нашр этилди. Китобни Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг «Еш ғвардия» нашриёти кўп нусхада босиб чиқарди.

(ЎзТАГ).

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР ПАРТКОМ СЕКРЕТАРИ

Эркин уйга алламахалда қайтди.
Экин боргани иҳти бўлган экан. Инфарктини билган бил, дарров ушбу қўлини қўйиб, қўлини қўйди. Ушбу таъсир билан оғриқ қол-
гач, беморни «Тез ёрдам» ма-
шинасига чиқаришди. Ҳозир
уни касалхонага жойлаб, дор-
донларини бериб келаяпти.
Эрталаб йўл-йўлакка яна ол-
дига биров кириб ўтади.
— Жуда ҳам хавфлаб қол-
дингиз-а, кишини ҳавотир ол-
ди. Тинчликни ишчилик? —
ичкери уйдан хотини чиқиб,
эрининг кўстимини етиб олди.
— Тинчлик. Пенсиядор До-
кушевнинг тоби қочиб қолган
экан...

Эркин бошқа тап тапирмади.
У жуда ҳам чарчаганди. Бугун
кун бўли юрди. «Тез ёрдам»
машинаси ҳам тиним билмади.
Нима қилсин, иши шунақа. Бир-
ор қўлига ҳол ҳол бергудек
бўлса, энг олдин «ОЗ»га теле-
фон қилишди. Диспетчер теле-
фон трубкасини қўйиб қўймади
«Тез ёрдам» машинаси врач бил-
дан гизиллаб йўлга чиқди.

Шундай дамларда Эркин
«мен бош врачман, қақирлаган
жойга навбатчи врачлар жу-
найверсин» деб ўтирмайди. Э-
ринга оқ халатини шоша-пиша
кияди-ю, қўлга медицинага
препаратлар тўла сумкасини
олиб, машинага ўтиради.

Бугун ҳам шундай бўлди: иш
соати тамом бўлар-бўлмас иши
жойдан қўчириб қилишди.
Навбатчи врачлар йўлда бўл-
ганлиги учун икковинга ҳам ўзи
борди. Биринчи уйда даво берди,
иккинчисини касалхонага ёт-
қизди.

Эртаси кун тушдан кейин
бироз соғинлик бўлган эди.
Эркин дарров буюр аъзолари-
ни ўз хонасига йиғди. Ўлим
коммунистларига дарга ҳам у.
Буюр аъзолари билан бамас-
лаҳат ҳисобот-саноат йиғили-
шини ўтказиш ҳақидаги маса-
лани муҳомада қилиб олди. Бу
йил биринчи марта коммунист-
лар олдига ҳисоб бераётганли-
ги учун, ҳарҳолда йиғилиш-
нинг фикрини билдиришга қизи-
қарди...

Эркин Даминовнинг ўзи асли
тошкентлик. Тошкент Давлат
медицина институтининг даво-
лаш факультетини тамомлаб, бу
ерда ишла келган эди. Таъси-
мот пайтда қўлга асри билан
ишчи-ю, йил четроққа бориб
ишлаш истганини билдириди.
Шундан кейин олабаст соғин-
лиқ саклаш бўлими уни 1963
йили Чирчиқ шаҳар касалхона-
сига участка врач қилиб
йўборди.

Бир йил ичда у ўзини кўр-
сатди. Иланишлари, ишга
икодий муносабати, таъинот-
чиллиги кўпчиликка ёқиб туш-
ди. Шундан кейин Тошкент
врачлар малакасини ошириш
институтига ўқишга йўбориш-
ди. Кетма-кет яна уч ой таъ-
инотчилик маҳоратини оши-
риш курсида ўқиди. Кейин
Москвага бориб, иккун таъри-
баларни ўрганди. Чирчиқ ша-
ҳар кечки марксизм-ленинизм
университетига сийиб билми-
ни оширди. Ёш коммунистнинг
тириқчилик, йиғилишларига
ҳаммаинг ҳаваси келарди.

Эркин Даминов шу тарихи
касалхонанинг «Тез ёрдам» бў-
лимига бош врач этиб тайин-
ланди. Кейин партбюро секре-
тарлигига сайланди. Бир неча
йил партком секретарининг
ўринбосари бўлиб таъинотчи-
партияни ишларни пухта ўр-
ганиб олган эди. Мана энди
ўзи секретарь сифатида комму-
нистлар олдига ҳисоб беришга
тайёрланганда.

Олдинги у йил давомида
бажаришган тадбирларини бир

инга тизиб олди. Мақтаб та-
пирса арзигудек ишлар оғмас
экан. Ўйлаб қараса, 38 комму-
нистнинг ҳаммасида партия
тошқини бор экан. Е. Лянтин-
на—пропагандист, Е. Маннлик-
—ҳалқ контроли группасининг
раиси, Т. Явона—комсомол-е-
шлар билан ишлаш бўйича ту-
зилган комиссия раиси, П. Ян-
—«Медик» деворий газетаси-
нинг редактори...

Пропагандистларнинг талаб-
чилиги билан сийиб ўқув ма-
таби ҳамда эстетика асослари-
ни ўрганиш бўйича тузилган
тўғрак машғулотларига қол-
дониш аъзоларининг ҳаммаси
қатнашарди. Бундан ташқари
фельдшерлар малакасини оши-
риш курси ҳам ишлаб турибди.
Касалхонанинг етук мутахас-
сислари машғулот соатларида
фельдшерларни тиббиётдаги
энг сўнгги янгиликлардан ха-
бардор қилишарди.

Назоратчиларнинг иши ҳам
қўнғилдагидек. Партбюро сек-
ретари Эркин Даминовнинг
эсида касалхона ошхонасидagi
тартибсизликдан беморлар бир
қандай икки марта шикоят қи-
либ қолган. Э. Даминовнинг
бундан фиғони фалакка чиқиб
кетди.

Нахотки, беморлар таомни-
га қўз тилишган бўлса?—деди
у олдинга қўл контроли груп-
пасининг раисини чақирди.
— Ҳозир нозоратчилардан ибор-
ат комиссия тузиб ошхона
ишларини текширишга киришсин.
Текширув алуанин партбюро
йиғилишида муҳомада қилиб,
жавобларини қаттиқ жазолай-
ми.

Уч кун ўтмай, текширув лу-
ни буюр йиғилиш кун тарти-
бига қўйилди. Йиғилиш қарори
билан коммунист Н. Афанасов
ошхона мудирлигига таъин
этилди.

Коммунистларнинг йиғилиш-
ларидан бирида «Медик» девор-
ий газетаси фаолияти устида
гал борганда, бу масалани
коммунистлардан Л. Швед бил-
ан А. Богданов ўртоқлар таъ-
ерлашди. Йиғилишда сўзга
чиққанлар газетанинг таъсир
қўлини ошириш юзасидан қим-
матли фикрлар билдиришди.
Ушбу кўнме редколлегия иш
плани қайтадан тузиб чиқилди.
Планга бир қатор қизиқарли
темалар киритилди.

«Тез ёрдам» бўлими бошлан-
ғич партия ташкилоты бюроси
соҳалар бўйича бундай ҳисоб-
отларни тинглаб тўғри иш
қилаётми. Бу тадбир бир жи-
ҳатдан коммунистларнинг
масъулиятини оширса, иккинчи
томондан уларнинг активлиги-
ни кучайтирмоқда. Йил даво-
мида 12 марта партия йиғили-
ши ўтган бўлса, шундан
кўнчилигида айрим бўлим ва
коммунистларнинг ҳисоботи
тингланган.

Партбюро секретари мана
шу бажаришган ишларнинг ҳам-
масини оқ қорозга тушириб,
буюр аъзоларига тандим этди.
Улар доқдага дейлик ўзгар-
тишлар киритишмади. Бор га-
нинг ҳаммаси шу ерда ҳаққон-
иш ўз фойдасини топган эди.
Ҳисобот-саноат йиғилишида
доқда юзасидан музоаралда
сўзга чиққан коммунистлардан
М. Қамбаров, Т. Ёлдошев, Л.
Богданов ва бошқа ўртоқлар
буни алоҳида таъинлашди.

Йиғилишда партбюро секре-
тарлигига қайта сайланган Э-
ркин Даминов ҳозир бўлим
партия ташкилоты жанговарли-
гини, коммунистлар активлиги-
ни янада ўстириш тадбирларини
устада бош қотирмоқда.

Партиянинг иш—икодий иш,
у иланишнинг талаб этади. Из-
ланганга эса толе ёр бўлавера-
ди.

Ж. НОСИРОВ.



ЧЎЛҚУВАРЛАР У Ч У Н

Бекобод темир-бетон буюм-
лари ва қурилиш материаллари
заводи коллективи чўлқувар-
ларнинг яқин кўмақдоши ҳи-
собланади. Корхонада яқин ў-
лаштирилган ерларни сугор-
ишда фойдаланиладиган тур-
ли-туман буюмлар ишлаб чи-
қарилмоқда. Яқинда бандлан-
ган 140 сантиметрли темир-бе-
тон тарновлар ишлаб чиқариш
йўлга қўйилди. Суратларда:
донгдор бетончилардан Зне
Пирматов ва Степан Табакае-
влар яқин тарнов ёнида (чапда),
тарновлар ишлаб чиқариш
майдонининг умумий кўрини-
ши (ўнгда).

А. ПАЛЕХОВ фотолари.



КОММУНИСТИК ТАРБИЯ ВА ЖАМОАТЧИЛИК

Ёш авлоднинг коммунистик идеал-
лар руҳида тарбиялашдан синфдан
ташқари пайтлардаги омавий ва
тарбиявий ишларнинг аҳамияти
жуда катта. Бу соҳада Октябрь
райони мактабларида ибратли
тажриба бўлади. Мухбиримиз
нинг район халқ маориф бўлими
мудри С. Саидхматов билан
қилган суҳбатидан бунини яққол кў-
риш мумкин.

— Ёш авлоднинг синфдан ташқар-
и вақтларда тарбиялашда қандай
воситалардан фойдаланилмоқда?
Бу муҳим ишга қиммат жазб этил-
ган?

— Район меҳнаткашлари, ай-
ниқса ўқувчи ёшлар ўртасида ил-
гор коммунистик ахлоқ принцип-
ларини қарор тоштиришда биз
кейин жамоатчилик ёрдамига таъ-
иниб иш қўймоқдамиз. Ота-оналар,
актив педагоглар масалалари билан
районимиздаги дейлик ҳамма
мактабларда тематик университет
ва лекторлар ташкил этилган.
Биринчи сентабрда бошлангич
ва жамоатчилик тарбияси, илмий-
атеистик пропаганда, интерна-
ционал тарбия темалари бўйича ота-
оналар учун университет ва лекто-
рийлар ўтказилган яна йўлга қўй-
илди. Қонда тарихида бундай уни-
верситетларнинг ишига мактаблар-
нинг раҳбарлари ёш уларнинг
ўринбосарлари бошчилиги қилиш-
ди. Лекциялар ўқиб, суҳбатлар
ўтказишга партия ва давлат
қўдимлари, олимлар, таърибчил пе-
дагоглар, завод ва фабрикалар

нинг донгдор ишчилари, суд ва
прокуратура ходимлари жалб
этилмоқда.

Шу нарсга қувончлики, кўпчи-
ча лекциялар жонли суҳбатга ай-
лашиб кетди, даврга тўлганлар
бола тарбияси, ўқини, оруз-умид-
лари ҳақида бахslashадиладар. У-
ган йили район партия комитети-
нинг биринчи секретари Т. Соди-
ков, шаҳар прокурори Г. Бухоров,
район халқ судининг судьяси С.
Дадажонов ва бошқа ўртоқлар иш-
тиришда ўтган машғулотларини
ста-оналарда жуда яқин таассур-
от қолдирди.

Ана шу аниқлани биз бу йил
ҳам давом эттирмоқдамиз. Яқинда
59-мактабнинг мактабларига таъ-
ин 500 дан ортиқ киши тўланди. Бу
ерда республика прокуратурининг
ўринбосари У. Шодиев ота-оналар
билан учрашди. У суҳбат вақтида
яқин кишини тарбиялаш соҳасида
партиянинг XXIV съезди бел-
гилаб берган вазифаларга тўхтал-
ди, назоратсиз қолган болаларни
тарбиялаш, илмий-атеистика қар-
иш чоралари ҳақида батафсил
таъриб берди.

Шу сингари тадбирлар район-
нинг бошқа мактабларида ҳам
тартиб асосида мунтазам ўткази-
либ турибди. Масалан, Свердлов
номли 41-мактабда ота-оналар бил-
ан учрашувда район прокурори
И. Азбаров, прокурор ёрдамчиси
В. К. Заманский ва бошқа ўртоқ-
лар иштирок этдилар.

Ёш авлоднинг коммунистик руҳда
тарбиялаш — жуда новин масала.
Бу йилда талабпарварликка асло
йўл қўйиб мумкин эмас. Шу са-
бабдан биз бу масалани яқин
қатъий план асосида, аниқ мақса-
длар қўйиб, аниқ тартиб бузиш
ҳаракат қилмоқдамиз.

Сентябрь ойининг бошларида
район халқ маориф бўлими Со-
ветлар кенгайтирилган мажлиси
ўтказилди. Ёшлар ўртасида тар-
биявий ишларни кучайтиришга ба-
ғишланган ана шу мажлисда рай-
ондаги ҳамма мактабларнинг ди-
ректорлари, уларнинг ўринбосар-
лари қатнашдилар. Донгдилар:
район прокуратурининг ёрдамчиси
В. К. Заманский, болалар милиция
хонасининг катта инспектори В.
Ахмедов ва район маориф бўлими-
нинг катта инспектори Ю. С.
Ильяхов ўртоқлар мактабларда
тарбиявий ишларни кучайтириш
ҳақида болалар қаровисизлигига
қарши кураш олиб бориш чоралари
ҳақида таъриб берди. Шундан
сўнг мактаб директорлари таълим-
тарбия ишлари соҳасидаги ўз
тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Бундай йиғилишларни биз му-
ндам равишда ўтказиб туришга
қарор қилдик.

Коммунистик тарбия наму-
нали йўлга қўйилган бу соҳада
яқин таърибга тўлган мактаб-
ларни айиб ўтасангиз.

— Бундай мактаблар райони-
мида жуда кўп. Айниқса ўртоқ

Х. Шомуродова директорлик қи-
лаётган 92- ва ўртоқ Х. Мусоев
директор бўлган 38-мактабларни
кўрсатиб ўттиш мумкин. Кейинги
2—3 йил ичда ана шу мактаб-
ларда бирор марта ҳам болалар
қаровисизлиги ёки тартиб бузиш
ҳоллари рўй бергани йўқ. Шу-
нингдек 40, 81, 192, 236-мактаб-
ларнинг иши ҳам ибратлидир. Бу
мактабларда синфдан ташқари
тарбиявий ишлар юксак даражада
олиб боришмоқда. Ёш авлоднинг
коммунистик руҳда тарбиялаш
масалаларига ҳамма биринчи да-
ражалли аҳамият берилади.

— Ота-оналар ўртасида ўрта
умумтаълим мактаблари Уставини
тушунтириш қандай бормоқда?
— Биз ота-оналар, ўқувчилар
ўртасида ўрта умумтаълим мак-
таблари Уставини кенг тушунти-
риш ишларини омавий-тарбия-
вий ишлар билан узвий боғлаб
олиб бормоқдамиз. Ҳамма мак-
табларда Уставини тушунтириш
юзасидан лекциялар, суҳбатлар,
савол-жавоб кечалари ўтказилмо-
қда. Яқин кунларда районда онла
ва жамоат тарбиясига бағишлан-
ган илмий-методик конференция,
шунингдек аълочилар слетини ўт-
казишни мўъалламоларимиз. Бун-
дан ташқари, мактабларда турли
хил семинарлар, суҳбатлар, учра-
шувлар ўтказилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу тадбирлар
ўсиб келаётган авлоднинг коммуни-
стик руҳда тарбиялашга ёрдам бе-
ради.

— Бундан бошқаси, ўқувчилар
ўртасида тарбиялашга ёрдам бе-
ради.

МЕХНАТ УНИ УЛЎРЛАДИ

Абдулла Ёролов 1955 йилда
Ўрта Чирчиқ районидagi ўрта
мактабни тамомлади, Тошкент-
Кўкон йўли қурилишига ишга
келди. Сенин-аста бульдозер-
чилик, экскаваторчилик, грей-
дерчилик меҳнатини ағаллади.
У ҳалот меҳнат қилиб, коллек-
тив хўрматига сазовор була
бошлади.

Мана 16 йилдирки, Абдулла
бир касба, яъни Тош йўллар
министрлигига қарашли Қў-
лиқ йўл эксплуатацияси участ-
касида ишлаб келмоқда. Моҳир
бульдозерчи қўнлик иш норма-
сини 170—180 процент бака-
риб, алгорлар қаторидан ўрин
олган. Унинг кўксини Ленин
ордени ва «Меҳнатда ўрпақ
қўрсатганлиги учун» медали бе-
лаб турибди.

Ҳозир А. Ёролов ўзига бир-
килган 50 километрлик участ-
кадаги йўлни ўз ҳамкасблари
билан ремонт қилипти.

К. САФАРОВА.



Токарь Ю. Разовский рес-
публика Геология министрлиги-
га қарашли Тошкент ремонт-
механика заводининг илгор
ишчиси. У тошширқини мутта-
сил бир ярим барабарга ет-
казиб бажаришмоқда.

А. ТУРАЕВ фотос.

ЛАВҲА

Шўх Кайковус жимиб-қолган.
Яқин-яқинларда болаларнинг қу-
вон соҳа ҳақида бир зум тинмайди-
ган соҳ бўйида ҳикм. кўн-
мади. Умар ака олаб бўйида ҳар
луки ушбу йўл билан қайтади.
Мана бугун ҳам у Собир Раҳимов
қўнбоғидagi қариялар қойхона-
сига бироз дам олган бўлиб, йўл-
га тушди.

Халқ кун ботмаган бўлишига
дарамди, атроф сукунатда. Куз
шамолли опти рағв барглардан
ерга гилла тушаган.Тасида тош-
лар қуриб турган соҳ бамсо-
ли қуғу.

Умар ака кўпчилик анида ўтатиб
бир зум сўзга термулди. «Ҳа,
— йўлда ўзимга, — ҳаёт ҳам оқар
ушбу ўшаркан. У ҳаёт дегуна
уттиз йил бўлиб қолдики заводга
кирганимиз.

Бенидир ишчи кўз ўнгида иш-
сонияти қонқашган дахшатли
1941 йилнинг қиш ойлари гава-
ланди. Азалал қатта акиси, сўнгра
кичиги фронтга-ёвуз душман бил-
ан курашга отланди. Турмуш,
оила таъиниш ағзис оинасига қол-
ди. Эндигина мўълови сабаз уриб
келатган Умарнинг қўлида бирон
бир хўнари йўқки, оназорга қў-
мақлашса, оғирини енгил қилса,
буғви ўтин-қўм бир тағаб қол-
ган, икки кўмид бери уриб қор
бўралайди.

Йиғича қўлда қиларини билмай,
чопқини эгизга ташлаб, гузар
қилинганда қойхонага йўл олди.
Мақсади, бирон бир кишига юра-
ғини ёриш-ю, нежот қўтиш эди.

Чойхонада ҳам кишилар сийрак.
Эскириб кетган кигиз устида чор-
дан қуриб, чокхурилик қилаётган
уч киши-ю, кейсариб қолган чой-
хонадан бўлак қимса йўқ.

Умар омонатига дараза ёнига
ўтирди.

— Келинг, ўғлим, — юзланди
қойхоначи. — Одобон совуққотиб-
сиз шеклини, Тинчликми ўзи!

— Шукур. Олдингизга чиққан-
дим, маслаҳатлашганим. Бекорчи-
лик жонга тегиб, буюғи бирон-бир
иш бўлса...

Умарнинг гапи оғзида қолди.
Узвора суҳбатлашув ўтирган ул-
фатлардан бири йил этиб унга ка-
рарди. Сўнгра, оқиста ўриндан ту-
риб, дараза ёнига келди.

— Отасини танийсан, Волода,
бу Умарнинг ўғли. Умар, Ило-
жи бўлса заводингга жойлашти-
риб қўй.

— Гап бундай, — деди ишчи
зимдан болага назар ташларкан,
— қилдиган иш осон эмас. Вазият-
ни тушунтириб ўтирмасам ҳам
бўлади. 12—14 саватлаб ишлашга
тўғри келади. Лекин, ишчилар биз-
га жуда-жуда зарур. Отангини
хўрмат, ўзимга шогирдликка гап-
лашаман...

Кекса мастор ўз сўзининг усти-
дан чиқди. Умар қоллиповичга
шогирд тушди ҳақиқатда, «Ком-
прессор» заводда иш ишхотда
қийин эди. Халқ оғир меҳнатга қў-
ниқма ҳосил қилмаган, йигит олди-
нига анча қийналди. 50—60 кило-
грамм келадиган қўян қоллилар
қўйиш, тайёр маҳсулотини совутиб,
ушга ишлов бериш кишиндан юк-

саж ирода, сабот-матонат, қопа-
берса ўта хушерлик талаб этарди.
Негаки, юқори даражада лаҳза
чў бўлиб турган қўйини вақтида
қоллиларга қўйилмаса, совиб
йўлга бўлиб қоларди.

Умар қийинчилиги, машаққатдан
қўнмади. Устозини Ходарнинг
маслаҳати, кизидан қимсади, бир
ой деганда мукаддас маҳсулот иш-
лаб чиқаришини ўлаштирди. Бўғи-
ди, йигит ўз устида ишлашни қан-
да қилмай мис эритиш, деталлар
ни тозалаш касбларини ҳам кунт
билан ўргана борди.

Йил ўтди. Фашист газдаларли
гарчи Ватанимиз пойтахти Бўса-
сида қажатилган бўлишига қара-
май, вазият ҳамон кескин эди.
Ишчи қалб ағрига кўра фронтга
отланди. Олма-Ота шаҳрида қисқа
муддатли сержантлик курсини та-
момлаб Воронеж шаҳрида 1- Ук-
раина фронти жангчилари сафига
қўшилди.

Жануб қўнбиде қорайган, жус-
сасидан қўнқувадт еғилиб тур-
ган ўзбек йигитини тўпчилар бў-
лимчасига қомандир қилиб тайин-
лашди. Умар жангда ҳам меҳнат
фронтдек зўр матонат, қаҳра-
монлик кўрсатди, ўнлаб шаҳар-
ларини газдалардан тозалашда
иштирок этди. Қурс қотилиши
учун бўлган жангларда ўзининг
45 миллиметрлик тўпи билан душ-
ман техникаси ва пиледа аскарла-
рига жиддий талафот етказди.

Қўмондонлик унинг насаротини
III даражали «Шуҳрат» ордени
ва талайгина медаллар билан
таъкирлади. Лекин, сўнгги жанг-

ларнинг бирда снаряд-портла-
шдан оғир яраланган тўпини
фронт ортқидagi госпиталга, сўнгра
эса Тошкентга юборилди.

1947 йилда соғайиб, оёққа тур-
ган Умар яна қарядон қорхонаси-
га қайтди. Дўстлар, ҳамкасблар
уни қучоқ очиб, мамун қарши
олишди. Лекин, беш йил давоми-
да у кўп нарсани унутган,
ававал осонликча Бажара-
диган юмушлар эндиликда қийин
кўнарди. Кўнларнинг бирда на-
батдаги бракка йўл қўйиб, нима
қиларини бинамай қомуш турган
Умарнинг ёнига мастери Хожик-
бар ака қилиб, гапта солди.

— Бушаб қўла қолсамми,—оғир
қўрсинди. Умар, — бир мириқлик
фойда келтирмай, нуқул брак
қилсам. Виждоним қийнаб қўйма-
пти.

— Шундай дегин,—деди уста
салмоқлаб. Сўнгра бир оз сукут
савлаб қўшиб қўйди. — Ёки бош-
қа жойда ёғилроқ осонроқ иш
топиб қолдингми?

Устанинг гапи Умарнинг бадан-
баданидан ўтиб кетди. Еноклари
нўддек қизарди, қучоқ қошлари
чимирилди.

Хожикбар ака йигит қалбидagi
туғини сездми чок, гап оҳангини
узгартиди:
—Қаттиқ ботдимки, гапимиз? Дарахт
бир ерда қўнради, деган нақл
бор. Ахир, ўзинг танангга бир йў-
лаб кўр. Ҳар биримиз ишчи қо-
лаб олмаёганми, деб кетиб қола-
берсак заводда қим қилмайди? Бу-
ёғи, мамлакатимиз урушдан чиқ-

қан, компрессорларга талаб катта
Кани, ортиқча гапни қўйиб, бўйиқа
юрчи, кўрамиз нима сени қийна-
пти экан!

Шу кунини ва кейинги кунларда
уста Умарнинг ёнидан бир қадам
ҳам нарига сийкилмади. Мис неча
даражада эрийди, эриган металлин
қоллига қандай қўйиш керак ва
бошқа жараёнларни еғи билан
тушунтирди. Қачонки, қўнланган
мақсадга эришилгач, уста Умарни
ёнига қақириб шундай деди:

—Бугундан бошлаб ўз ҳолингча
ишласан. Қўнма,уддалаб кетасан
Яқин орада пенсияга чиқсам ке-
рак. Цех бошлиғи ўрингига дуруст-
роқ кишини тайёрла, деб қолди.
Ўйлаб қарасам, бунини сендан бош-
қа киши удалай олмайдими.Мен
кетганимча, маслаҳат шуки, касби-
мизга тааллуқли китобларни ўқиб
бор, билимингни ошир. Акс-
ҳолда кўпчилик олдада ер чицаб
қолсан.

Умар ўқиди, ўрганди, савиясини
оширди. Бу орада қорхона ҳам
неча бор реконструкция қилинди,
эски дастгоҳлар ўрнига янгилари
келтирилди, оғир, тинкани қурита-
диган жараёнлар автомат ва ярим
автоматлар елкасига юкланди. Қў-
ян қучовчи уста буларни ҳам ўз-
лаштирди.

Шуниқс диққатга сазоворки, у-
стани план айтирлик ташвишлан-
тирмайди. Энг кераклики — си-
фат-устанинг ўз шогирдларига қи-
ладиган

БУГУН
ХАЛҚАРО
СТУДЕНТЛАР
КУНИ

Бугун халқаро студентлар куни Совет Иттифоқидаги олий ўқув юрларида бўлгани каби жаҳоннинг турли мамлакатларида ҳам бу кунга катта таратилди. Фан ўқишларини пухта эгаллаш, назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш йўлида қатор ютуқлар қўлга киритилди.

Республикадаги йирик инженер кадрлар ўқитиш хисобланган Тошкент политехника институтининг ҳам турли йилларда халқлар таълим оломода. Бу ерда чет эл мамлакатларидан келган ёшларни ҳам ўқитиб, Болгария, Вьетнам, Куба ва Иктерналлик йилнинг қилар ҳам бугунги кунда шу олий ўқув юрти студентлар оиласининг ҳақиқий аъзоларидир. Институт студентлари ўз байрамларига арзигулик совғалар ҳозирлади.

Суратда: Тошкентда таълим олаётган кубалик ва вьетнамлик ёшлар рус ва ўзбек дўстлари билан.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.



БАСТАКОРЛАР
АНЖУМАНИ ОЛДИДАН

Шу ойнинг охирида республика композиторларининг навбатдаги съезди бўлади. Айни кунларда музика ижодкорлари ўз сўзларига қизғин ҳо-зирлик кўришмоқда.

Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғу бўлини ўқитувчилари ва студентлари ҳам бу санга тайёргарликни қилиб юборилди.

Яқинда консерватория томошахонасида «Ўзбекистон композиторларининг асарлари» деган темада концерт кечаси бўлиб ўтди. Концертга шахар музика мактаби талабалари, ўрта мактаб ўқувчилари ва студентлар келишди. Кўнгина таниш янги создаларнинг чиқишлари кечата фойда бағишлади.

Шунингдек, композиторлар икки этак асарлар ҳам тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Анжуман олдида бастакорларнинг ҳисоботлари давом этмоқда.

А. ИСМАТИЛЛАЕВ.

СЎНГГИ ЎЙИН —
ДУРАНГ

Мамлакат XXXIII футбол чемпионати сўнгги ўйини Одесса шаҳрида ўтказилди. Бу ерда Москва торпедчилари майдон асоси сифатида Минск динамоларининг қабул қилди. Санжаничи минутада москвалик Никитин ҳисобини очди. Сўнг 10 минут давомида минскилик Малосев нисбатан тўп киритди. Танар-футсига Абрамов ҳисобини 2:2 қилди. Иккинчи бўлим бошида Малосев динамоларни олдинга олиб чиқди. 77-минутада Филиппов жавоб тўпни киритди. Ҳисоб 3:3.

Шунингдек, чемпионат сўнгги ўйинида минскилик капитани Малосев деярта тўп киритиб, Федотов клубига ҳам аъзо бўлди. Бу йилги мерганлар рўйхатида Марквардани ўтиб биринчи ўринга чиқиб олди. 18 тўп. Эдуард Малосев «Труда» газета редакциясининг мукофотини қўлга киритди.

Мамлакат биринчилигининг якуний жадалли кўндаларига:

Командалар	Ю	Д	М	Т	О	
Динамо К	17	10	3	41	17	44
Арабат	13	11	6	37	28	37
Динамо Т6	14	8	8	33	33	36
Заря	11	11	8	29	23	33
Динамо М	9	13	8	35	22	31
Спартак	9	13	8	35	31	31
Торпедо	4	20	6	27	27	23
Кайрат	9	10	11	36	40	28
Нефчи	9	10	11	30	34	28
Кайрат	5	18	7	30	35	28
Динамо Ми	6	12	10	36	43	28
ЦСКА	7	12	11	34	36	26

ОБУНА БЎЛИШМОҚДА

Бўстонлиқ районидagi 125-автотизма коллективи йилида каттагина ютуқларини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Кўнчилиқ шоферларнинг налага-си оширилди. Юк ташини-млари яхшиланиб, унга сарф қилинадиган маблағдан тежашга эришилмоқда.

Автотизма ҳодимлари 1972 йил обунасини ҳам намунали ташкил этишиб, айни кунгача 300 сўмликдан ортиқроқ газе-та ва журналга обуна бўлиш-ди.

Абдусаттор Рўзиев, Саидх-мад Иманов, Ршод Иброхи-мов, Николай Козлов ва Қў-қор Дуваговларнинг ҳар би-ри 17—25 сўмликдан газе-та ва журналга қўшилди.

Улар 1972 йилда «Правда», «Известия», «Совет Ўзбеки-стони», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «За рулем» ва кўплаб бошқа газе-та, журналларини йил давомида муваффақ бўлиш ниётида обуна бўлишмоқда.

Р. МИРАҒАЗОВ.

ОБУНА БЎЛИШМОҚДА

Бўстонлиқ районидagi 125-автотизма коллективи йилида каттагина ютуқларини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Кўнчилиқ шоферларнинг налага-си оширилди. Юк ташини-млари яхшиланиб, унга сарф қилинадиган маблағдан тежашга эришилмоқда.

Автотизма ҳодимлари 1972 йил обунасини ҳам намунали ташкил этишиб, айни кунгача 300 сўмликдан ортиқроқ газе-та ва журналга обуна бўлиш-ди.

Абдусаттор Рўзиев, Саидх-мад Иманов, Ршод Иброхи-мов, Николай Козлов ва Қў-қор Дуваговларнинг ҳар би-ри 17—25 сўмликдан газе-та ва журналга қўшилди.

Улар 1972 йилда «Правда», «Известия», «Совет Ўзбеки-стони», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «За рулем» ва кўплаб бошқа газе-та, журналларини йил давомида муваффақ бўлиш ниётида обуна бўлишмоқда.

Р. МИРАҒАЗОВ.

Реклама
ВА **Эълонлар**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
30 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 1 ДА
22 НОЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
21 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 2 ВА КЕЧ СОАТ 8 ДА
ЎЗБЕКИСТОН САҲЪАТ УСТАЛАРИ
ВА ЕШ ИЖРОЧИЛАР
ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ
КАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
КОМУНА ИСМОИЛОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлари ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА, ТУХТА РИСМЕТОВА, САЛОҲИДДИН ТУХТА-СИНОВ:

Солистлар: Фотима БАРАТОВА, Комолдин РАХИМОВ, Ха-дича АЛИМАРДОНОВА, Гуломжон ва Абдуллоҳжон ГОФУРОВ, ЛАР, Сотибодди ИЛДОШЕВ, Уткир ХОЛМУХАМЕДОВ.

Асина, юмёр ва сатираллар: Мадамминжон ЮСУПОВ, Не-матжон ТОШМАТОВ, Нурдоджон НОСИРОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Музика раҳбари — Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.
БИЛЕТЛАР Свердлов номи концерт зали кассасида — ну-дуз соат 2 дан сотилади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
19, 20, 21, 23 ноябрь кеч соат 7 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Улмас УМАРБЕКОВ асари.

«ОҚАР СУВЛАР»
2 пардали драма.
Постановкачи-режиссёр — У. БАҚОВЕВ.
Расом — М. ЭШОНҲУНАЕВ.
Билетлар сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

ХАЛҚАРО СТУДЕНТЛАР КУНИ
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
13.00 дан — Москва нўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
17.55 — Нўрсатувлар програм-маси. 18.00 — «Ахборот» инфор-мациясига программа (рус тили-да).
Ўзбек тилида: 18.15 — Воляев ушун концерт. 18.50 — «Муль-фильм». 19.00 — «Паролнинг ҳо-лати йўн» (бодий фильмининг 2-серияси). 20.30 — «Ахборот» ин-формациясига программа. 20.45 — Ўзбекистон композиторлари VI съезди олдида. 23.00 ЭСТРАДА-СИ. 21.25 — Нўрсатувлар про-граммаси.
21.30 дан — Москва нўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ
11.00 — Физика. 7-синф. «Ички энур дингательлари» (Ўзбек тили-да). 12.00 — Ўқув фильми. 12.25 Физика. 7-синф «Ички энур динг-ательлари» (рус тилида).
17.35 дан — Москва нўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
Ўзбек тилида: 21.30 — «Ешлик» студияси нўрсатади. «Студентлар кўшиги» — жаҳон бўйлаб янгра-ди. 22.10 — «Ярим аср йилнома-си» (кўв сериали телевидениеи хў-жатли фильмининг 1965 йил ҳа-қидаги серияси).

ЎЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
Ўзбек тилида: 20.00 — «Ишчи-лар синфи ҳақида поэма» (хўж-жатли фильм).
Рус тилида: 20.35 — «Обедаги драма» (фильм-спектакль).

ДИССЕРТАЦИЯ
ЕҚЛАЙДИЛАР
Диссертациялар билан ака-демиянинг асосий кутубхонаси (А. Тўраев кўчаси, 1-ўйда та-нишиш мумкин).

1 декабрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демиясининг геология фанлари бўлига бириктирилган илмий со-вет кенгаши (Судаймонов кў-часи, 33-ўйда) геология-минер-алогия фанлари кандидатли-кийи даражасини олиш учун:

Э. Н. Баймаев: «Эрта Оси-янинг айрим участкаларидаги лёсслар ва лёссонинг жинслар-нинг турли геотекни типлари-ни физик-химиявий жиҳат-дан ўрганиш» деган темада.

Р. У. Камоллов: «Нефть ва газ манбаларига истинболы муносабат билан шимоний Тожикистондаги донкал бурма-ларининг геология тўрғилини хў-суслатлари ва тарихий топши-шарт-шароитлари» деган тема-да.

ДИССЕРТАЦИЯ
ЕҚЛАЙДИЛАР
Диссертациялар билан (Су-лаймонов кўчаси, 33-ўй, Ш. Рустамов кўчаси, 114-ўй) ку-тубхоналарда танишиш мум-кин.

6 декабрь эрталаб соат 10 да Тошкент тўқимачилиги ва ентия саноат институтининг совет кенгаши (2-Виборг кўча-си, 5-ўй, 49-аудиторияда) тех-ника фанлари кандидатли ил-мий даражасини олиш учун:

Н. Рустамов: «Пилладан ипакини тортиш автоматларида 4,65 ТЕКС қалинлигидаги ҳо-ипакни ишлаб чиқариш ва унинг сифатини баҳолаш кор-мативларини тайиаш» деган темада.

И. В. Никитин: «Автомат дастгоҳларда ипаи тортишнинг оптимал тезлиги» деган тема-да.

ДИССЕРТАЦИЯ
ЕҚЛАЙДИЛАР
Диссертациялар билан инс-титут кутубхонасида танишиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети — нашриятининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р. 01882. ИНДЕКС 64897. А—1870.

РЕДАКЦИЯГА
ХАТ

„Хўп бўлади“

Улғу Ватан уруши даврида ота-онасидан етим қолган турли мил-лат фарзандларини нисби бағрига олиб, бошқини сиёган, уларни тар-биялаб волига етказган Шоаҳмад ота Шоаҳмудовни шаҳримиздаги ака-демия, республикада ҳам таълимга киши ҳам бўлса керак.

Биз ана шу табаруқ отанинг номи билан аталган маҳаллада яшаймиш, отанинг муборак номи билан фахрланамиз. Лекин, кўн-чилиқнинг шу номга яраша оёб бўлмаганлигидан афсусланамиз.

Шаҳримизда шундай маҳалла-лар ва кўчаларимиз борки, унинг ободлигига, ҳуснига боқиб тўй-майсан киши. Партия ва ҳукума-тимиз гамхўрлиги тўғрисида бир-гина пойтахт шаҳримизнинг ўзида яқин уч-тўрт йил ичида қанча-қан-ча турар-жойлар бунёд этилди, юриб ҳорамидиган равои кўча-лар курилди.

Афсуски, бизнинг маҳалламиз ва кўчаларимиз негадир «ўтай»

РЕДАКЦИЯГА
ХАТ

„Хўп бўлади“

ганмиш. Минг бор афсуски, «Хўп бўлади» билан иш тутайди.

Шундан кейин кўчамизга чиқоқ ўриатиб беришларини сўраб, рай-он коммунал хўжалиги бўлимининг илтимос қилдик. Коммунал хўжа-лиги бўлимининг мудири К. Файзи-ев «хотиржам бўлинглар, бу йил бўлмаса келаси 1971 йилда албат-та ёрдам берамиз» деган эди.

Ваъдига мувофиқ, бу йил ёнда-йла Файзиёева рўпара бўлди. Шу йил август ойида ўртоқ К. Файзиёевдан қўйидаги мазмундаги хатни олдик.

«Шоаҳмудов маҳалла аҳоли-сига, Октябрь район коммунал хў-жалиги Шоаҳмудов номи кўча-ни ободонлаштириш тўғрисидаги сўнги хатинида жавобан шунки маълум қилдикки, биз томоми-здай тегишли чоралар қўрили, кўчани электрлаштириш ҳақида райИЭСга топириш берилди, кў-чаларининг номи Ўзбекистон хў-жалари уйларга аса номерли белги-лар осилди. Водопровод қурилиш ва кўчаларни асфальтлаштириш аса келаси — 1972 йилга план-лаштирилди».

Ана олган жавобимиз! Ахир биз улардан кўчамизнинг номи-ни, уйимизнинг номери-ни сўраб эмас, чиқоқ билан ёри-тиб, йўлимизни равои қилиб бе-ришни илтимос қилган эдик-ку!

РЕДАКЦИЯГА
ХАТ

„Хўп бўлади“

Ахир ҳар қандай ваъданинг ҳам чеки бўлиши керак-да! Наҳот-ки шунча ваъда билан кўчамиз-ни пуч ёнгоққа-тўлириб келишса! Ваъдабозлик раҳбар ишнинг бурдини келказди, уларга бўлган ишончини йўқотди.

Қўнлик район раҳбарлари биз-нинг талабимизни қондиршлари учун ана қанча қатъиямиз ке-рак?

Октябрь район «Қизил Шарқ» маҳалла меҳнаткаш-лари номидан:

А. АБДУРАҲМОНОВ,
1920 йилдан бери КПСС аъзоси, шахсий пенсионер

М. СУЛТОНОВ,
маҳалла комитетининг раиси,
1930 йилдан бери КПСС аъзоси.

К. ИСЛОМОВ,
журналист.

ПАХТА БАЙРАМИ ТАРАДДУДИ

Ҳар йили ҳосил тўйи—Пах-та байрамини ўтказиш яхши анъананага айланиб қолмоқда. Пахтакорларнинг бу тантанала-ри илгаригидек Тошкент иппо-дромда ўтказилди. Ҳозир бу ерда байрам қатнашчиларини кўтиб олишга қизғин тайёргар-лик қўрилмоқда.

Ипподромда қишлоқ хўжали-ги ютуқларини кўрсатувчи пахтакорларимизнинг муваф-фақиятлари ҳақида ҳикоя қи-лувчи катта стендлар осиялти. Ипподромга олиб келадиган йўллар асфальтланиб, текис-ланмоқда.

Пахта байрамини республика ДОСЛАФ комитети, Ўзбекис-

тонинг энг яхши чавандозла-ри ҳам ҳозирлик кўришмоқда. Тошкент саноат усталирининг катта гуруҳи пахтакорлар ол-дида ўз наҳоратини намоиш қилиш учун релетини қилмоқ-да. Байрамда «Шодлик» ан-самбли, халқ филармонияси, Глнэр номидаги музика пана-теби, Охунбобоев номидаги ма-даният уйи коллективлари кат-нашади. Пахтакорларга ма-нший хизмат кўрсатиш учун катта савдо павильонлари, ош-хоналар ҳам қурилатиб.

Пахта байрамини тантаналари шу ой охирида ўтказилди.

А. ПУЛАТОВ.

2-Қўнлик марсианда қад кўтарган янги уй-жой бинола-ри.

А. АБАЛИН фотоси.

БОМБА БИЛАН ОЛИШУВ

Харьков областидаги Гусия-ка станциясида одадгаддек иш давом этарди. Тупроқ оряет-ган машиналар ҳаракати бир зум тўхтамас, қудратли экска-ватор тўқиниш тупроққа боти-риб, иккинчи ҳаракатдаёқ ма-шиналар кўзовини тўдларди. Бирдан ҳаракат тўхтаб, соки-лик ҳужуми бўлиб қолди. Экс-каватор ҳам, машиналар ҳам жўй-жойида таққа тўхтади: ер остида ананомба кўрилди!

Зудлик билан пиротехниклар чақирилди. Инженер капитан Валерий Ефимович Иванова гуруҳига бошчилик қилди. Бу мутахассис ўз ишининг жоир устаси бўлиб, 20 мингдан зиёд портлагич моддаларини зарар-сизлантирган.

— Хавфли зонани дарҳол ўриг, — бўйруқ берди капи-тан сержант В. Кузьминич, ўзи эса ер остига тўшди. Қизғин тупроқ остида зами босган ста-биязаторнинг бир учи иккиб турарди. Офицер дарҳол бомба-нинг маржасини аниқлади: 500 килограмм «ФАБ—500».

Энди бомбанинг портлагич моддалари қандайлигини аниқ-лаш лозим эди. Бу жуда му-ҳим ва айни пайтда хавфли иш эди. Буни портлагич модда-ларининг учидан завои муҳри босилган ҳалқачалардан билиш мумкин эди.

Солдатлар эҳтиётлик билан бомбани қаншига киришдилар. Улар тупроқни фақат қўллари билан қазирдилар. Жангчи пи-ротехниклар Карачевцев, Олопнян ва Кузьмич бомбани ер тағидан қазиб олиш учун бир неча кубометр тупроқни жуда эҳтиётлик билан тоза-лашга тўғри келди.

Бомба кўзга яққол ташлан-ганда В. Иванов икки ён то-мондаги портлагични текшир-ди. Улар қандай тиндагисин аян? Бу жумбоқни ечиш му-кин бўлмади: бомба ундаги клеймалар вақт ўтиши билан ўчиб кетган эди. Бомбани жо-йида портлагич ҳам мумкин эмасди: атрофда унлар бор.

«Портлагич моддаларини музлатишдан бошқа — илож

йўқ», — қарорга келди офи-цер.

Бу жуда масъулиятли ва хавфли операция эди. Уни ин-женер капитанининг ўзи ба-жарди. В. Иванов махсус ас-боб билан портлагич тўсғини очди. Солдатлар эса портла-гичга зарб берадиган жанговар пружина оралнига музлатгич моддасини қўйишди.

Офицер командасига кўра авторан оҳиста сўлим юнън-я ююригига кўтарди. Машина ру-лига В. Ивановнинг ўзи ўтар-ди. У тажрибали пиротехник бўлибгина қолмай, балки ян-кичти классдаги шофер ҳам-дир. Машинани аввалдан тайер-лаб қўйилган жой томон оҳис-та ҳайдаб кетди.

Кино

Ассесий зарба (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГ», «ВОСТОК», «КЭЧКА» (кундуз ва кечнурон).

Бир дақиқалик суннат — «ЎЗ-БЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Симон Боллар — «НОМСОМОЛ 20 ЙИЛЛИГ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз соат 11.40, 3.20 ми-нут, кеч 7 ва 9 да).

Кобулдаги минсия (2-серия) — ХАМЗА номи, «ЧАНКА» (кундуз ва кечнурон).

Иноят кидирув инспектори — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИ-ЛЛИГ» (жуфт соатларда), «СПУТ-НИК» (тоқ соатларда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети — нашриятининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р. 01882. ИНДЕКС 64897. А—1870.